

desak, to'g'ri bo'ladi, chunki uzoq yillar davomida dotatsiya qarzdan kechish amaliyoti, aksincha, hosildorlikni oshirishga, rentabellikni ta'minlashga xizmat qilmadi, boqimandalik kayfiyatini keltirib chiqardi, strategiyani to'g'ri tanlash imkonini bermadi.

Qishloq xo'jaligining muhim tarmog'i bo'lgan paxtachilikda resurs tejovchi innovatsion texnologiyalarni joriy etish kechiktirib bo'lmaydigan vazifalardan biridir.

Jumladan, birinchisi – paxtachilikda resurslar sarfi miqdorini mutlaq tejash yo'nalishi sifatida qabul qilinishi maqsadga muvofiq. Bunda paxta xomashyosi ishlab chiqarish jarayoniga jalb qilinadigan moddiy-texnik va mehnat resurslari miqdorini paxta ekin maydoni hisobiga mutlaq kamaytirib borish masalasi nazarda tutiladi. Masalan, bir gektar ekin maydoni hisobiga suv sarfi miqdorini kamaytirish, bir gektar maydon hisobiga mehnat resurslari sarfi

miqdorini yoki ekin maydoni hisobiga yoqilg'i moylash materiallari miqdorini kamaytirish ko'rinishidagi resurslar sarfini nazarda tutish mumkin;

ikkinchisi – paxtachilikda resurslar sarfi miqdorining nisbiy tejash yo'nalishi sifatida qabul qilinishi maqsadga muvofiq. Bunda paxta ekin maydoni hisobiga resurslar sarfi miqdori o'zgarishsiz qolgan holda paxta hosildorligini oshirish natijasida mahsulot birligi hisobiga to'g'ri keladigan sarf-xaratlar miqdorini kamaytirish masalasi nazarda tutiladi;

uchinchisi – paxtachilikda resurslar sarfi miqdorini tejashdagi majmuali yo'nalish sifatida yondashish qabul qilinishi maqsadga muvofiq. Bunda paxtachilikda xarajatlarni kamaytirishda "Resurslar sarfi miqdorini mutlaq tejash yo'nalishi" va "Resurslar sarfi miqdorini nisbiy tejash yo'nalishi" dan birgalikda foydalanish nazarda tutiladi.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Савмит ООН по устойчивому развитию, 25–27 сентября 2015 года, Нью-Йорк. <https://www.un.org/ru>.
2. Устойчивая трансформация сельского хозяйства в северной и Центральной Азии. Патриция Вонг, Динара Асаубаева и Амина Анастасиаду, при участии Чэнг Цзююэ. Рабочий документ Субрегионального отделения для Северной и Центральной Азии. UN ESCAP 2020.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы».
4. Новый доклад Всемирного банка выявили возможности для социально-экономического развития Узбекистана. 18.05.2022 г. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/05/18/uzbekistan-systematic-country-diagnostic>.
5. Экономика сельского хозяйства. Учебник для академического бакалавриата. / Н.Я.Коволенко. – М.: Издательство ЮРАЙТ, 2018. Стр. 297-299.
6. Чаянов А.В. О сельскохозяйственной кооперации. 1989.
7. Милосердов В.В. Аграрная политика России – XX век. / В.В.Милосердов, К.В.Милосердов. – М., 2002. – 544 с.
8. Abdug'aniyev A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. – T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi, 2004. 26-b.
9. Ergashev R.X. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Darslik. – T.: EXTREMUM PRESS, 2011. – 416 bet.
10. Xusanov R.A., Dadaboyev T.Yu., Dadaboyev D.Yu. Agrosanoat kompleksi iqtisodiyoti. – T.: O'zbekiston, 2003. – 470-b.
11. Parry M. Food and energy security: Exploring the challenges of attaining secure and sustainable supplies of food and energy. Food Energy Secur. 2012, 1, 1–2.
12. World Bank. World Development Report: Agriculture for Development; World Bank: Washington, DC, USA, 2008.
13. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 1-martdaggi PQ-144-soni "Qishloq xo'jaligida suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy etishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. manba lex.uz.
14. O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi rasmiy veb-sayti. agro.uz.
15. O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi rasmiy veb-sayti, klasterlar va kooperatsiyalar. agro.uz.
16. Burxanov A.X. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Darslik. – T.: "Ziyo nashr-matba" nashriyoti, 2022-yil. – 413 b.



ЎЗБЕКИСТОНДА УЗУМЧИЛИК-ВИНОЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ БҮЙИЧА РАҶОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Азадова Бонупошиша Алишер қизи -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторантни

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a45

Аннотация. Виночиликнинг рақобатбардошлигини ошириши ўйлари мураккаб муаммо бўлиб, у нафақат ишлаб чиқарувчиларга, балки давлат ва худудий қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишига, узумчилик ва умуман, виночиликни мувофиқлаштирилган ривожжланнишга, амалга ошириши кўламига ҳам боғлиқ. Узумчилик-виночиликнинг рақобатбардошлигини оширишининг ҳар бир маркибий қисми бошқарув, иқтисодий, маркетинг, ҳукуқий воситалар, меъёрлар ва усулларининг маълум бир комплексидир. Ушбу соҳада рақобатбардошликни ошириш мақсадидда узум етишиши, қуритиш, қадоқлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишининг тўйлиқ даврини яратгани ҳолатда узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилмоқда.

Калим сўзлар: кластер, рақобатбардош, бозор улуши, импорт, қиймат занжиси, иқтисодий, маркетинг, ҳукуқий воситалар, меъёрлар, ассортимент, имиж.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В ОТНОШЕНИИ ВИНОГРАДАРНО-ВИННОГО КЛАСТЕРА

Азадова Бонупошша Алишер кизи -
докторант Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. Повышение конкурентоспособности виноделия – комплексный вопрос, решение которого зависит не только от производителей, но и от государственной и региональной поддержки и регулирования, скоординированного развития виноградарства и виноделия в целом, масштабов реализации. Каждая составляющая повышения конкурентоспособности виноградарства представляет собой определенный набор управленческих, экономических, маркетинговых, правовых инструментов, норм и методов. В целях повышения конкурентоспособности в данной сфере создаются виноградарско-винодельческие кластеры в состоянии создания полного цикла выращивания винограда, сушки, упаковки, переработки, производства и экспорта готовой продукции.

Ключевые слова: кластер, конкурентоспособность, доля рынка, импорт, цепочка добавленной стоимости, экономика, маркетинг, правовые инструменты, критерии, ассортимент, имидж.

WAYS TO INCREASE COMPETITIVENESS IN UZBEKISTAN REGARDING VINEYARD-WINE CLUSTER

*Azadova Bonuposhsha Alisher qizi -
Tashkent State University of Economics, doctoral student*

Annotation. Improving the competitiveness of winemaking is a complex issue, which depends not only on producers, but also on state and regional support and regulation, the coordinated development of viticulture and winemaking in general, the scale of implementation. Each component of increasing the competitiveness of viticulture is a specific set of management, economic, marketing, legal tools, norms and methods. In order to increase competitiveness in this field, viticulture and winemaking clusters are being created in the state of creating a full cycle of grape cultivation, drying, packaging, processing, production and export of finished products.

Keywords: cluster, competitive, market share, import, value chain, economic, marketing, legal instruments, criteria, assortment, image.

Кириш. Ўзбекистон дунёдаги энг яхши узум навларини етиштириш ва чет эл бозорларида талаб қучли бўлган сифати юқори виноларни ишлаб чиқариш учун иқлими мос бўлган давлатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам бу борада: “Узумчилик бу – халқимизнинг асрлар давомидаги миллий дехқончилик маданияти, урф-одатларимиз билан бевосита боғланиб кетган. Ҳар бир ҳовлида узум, ишком бўларди. Ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам узумзорлар бор эди. Халқимизнинг ҳусайни, тоифи, Ризамат ота, келинбармоқ ва кишмиш каби узумларининг довруғи узоқ-узоқларгача танилган”, – деб таъриф беради [1].

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат хавфисизлигини таъминлаш, истеъмолчилар талабини ўзимизда етиштирилган мева-узум маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Боғдорчилик ва узумчиликда ҳосилдорликни ошириш омилларидан бири юқори ҳосилли мева ва узум навларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишдир. Бу соҳада республикада навларни яхшилашда янги навларни яратиш билан бирга маҳаллий ҳалқ селекцияси томонидан яратилган ҳамда чет эллардан интродукция қилиб олиб келинган нав-

ларни ҳам ўрганиб, улардан энг яхшилари танлаб олинмоқда [2].

Вино узумидан турли винолар, шампан, узум спирти, конъяқ, алкоголсиз маҳсулотлар – узум шарбати, консервалар, маринадлар, компот, мармелад ва бошқа қайта ишланган маҳсулотлар олинади. Узум ва майиз олиш учун уругсиз узумнинг маҳсус навлари куритилади. Барглари дўйма ва консерва учун ишлатилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Узумчилик ва виночилик инсониятнинг узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган мутахассислик фаолият тури ҳисобланади, лекин “... тадқиқотчи археологларнинг тасдиқларига кўра узумчилик ва виночиликнинг келиб чиқиши тўғрисида умумий фикрга келиш имкониятини берадиган ягона археологик тасдиқ йўқ”, – деб К.М.Романова ўз фикрларини билдирган [3].

Кластерлар саноат тармоғи ва миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш йўлларини таъминловчи асосий йўналиш сифатида қаралади. Бу борада Америка олимлари М.Портнернинг «ракобатда устунлик назарияси» [5], М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценнинг «минтақавий кластерлар концепцияси»[6], А.Маршаллнинг «саноат ҳудудлари назарияси» [7], П.Бекатиннинг «Италиян саноат округлари назариялари»[8], М.Сторпернинг «идеал ҳудудий кластер» назариялари яра-

тилган.

Кластерлар учун технология ва билимлар рақобатдош устунликни таъминловчи асосий омил эканлиги Когут ва Зандер [9] тадқиқотларида асосланган бўлса, ушбу манбадан максимал даражада фойдаланиш учун кластерлар технологик трансферларни амалга ошириши лозимлиги Бруун ва Беннетт [10] ҳамда Лин[11] тадқиқотларида асосланган. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлардаги илмий тадқиқот ишларида технологик имкониятлари чекланган корхоналарнинг ўзаро интеграциялаш асосида барқарор рақобатбардош устунликка эришиши кенг ўрганилган. Технологиялар трансфери ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи боғлиқ корхоналар ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш саноат кластерларини шакллантиришига ёрдам беради ва рақобатдошликни таъминлайди.

М.Портер кластерни умумий фаолият билан тавсифланган ва бир-бирини тўлдирувчи, маълум бир ҳудудда ишлайдиган, географик жиҳатдан бир-бирига боғланган ўзаро боғлиқ компаниялар, деб ҳисоблаган [15].

Кластерлар мустақил феномен сифатида А.Маршалл [16] ва Хотеллингнинг [17] асарларида тасвирланган. Иқтисодий нуқтаи назардан корхоналар кластерининг асосий таркибий элементи бир-бири билан ва кластернинг бошқа агентлари билан ихтиёрий равишда ўзаро алоқада бўлган юридик мустақил корхоналар бўлиб қолади. Корхоналар кластерининг муҳим таркибий элементи хавфлар даражасини пасайтирадиган ва кластер таркибидаги компанияларнинг рақобатбардошлигини оширадиган бир ёки бир нечта жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Қобусномада: “Таомнинг изидин агар ташна бўлсанг, уч марта шароб ичғил ва агар ташна бўлмасанг, уч соат миқдори таваққуф қил, нединким агар меъда қай ва яхши бўлса, таомни ҳар қанча кўп исроф била есанг ҳазм қилур”, – деб таъриф берилган [4].

Узумчилик саноати аграр иқтисодиётнинг тармоқ таркибий қисми бўлган ҳолда, умумий иқтисодий тизимнинг органик қисми ҳисобланади. Узумчилик виночиликни комплекс сифатида давлат ва бизнес манбаатлари мувозанатлашган ҳолда янада самарали ривожлантириши мумкин.

Виночилик олижаноб иш ҳисобланган ва вино истеъмол қилиш барча тантанали маросмларда амалга оширилган. Милоддан авввалги 327-329 йилларда Искандар Зулқарнайнинг Эронга юришлари ва унинг Ўрта Осиёни босиб олишидан сўнг бу ерда юонон-бактрий маданиятининг диний ва ахлоқий – этник тушунчалари қулай тарзда ривожланган. Бу маҳаллий узумчилик ва виночилиқда янги юксалишга олиб келди. Хонадонларда узумдан мусаллас (май,

шароб), сирка, ғалла донларидан бўза каби спиртли ичимликлар тайёрланган. Аммо ислом дини вино ва арақ истеъмол қилишни тақиқлагани сабабли бу хунар кенг ёйилмаган.

Замонавий виночиликнинг тикланишидағи энг катта ижодий юксалиш 1927 йилда жаҳонга машҳур виночи, профессор М.А.Хорвенко-нинг келиши билан боғлиқ бўлиб, унинг раҳбарлигидаги издошлари ва кўплаб номдор вино брендларининг ҳаммуаллифлари – В.К.Глянцева, Х.С.Юсупов, Т.С.Салиев, А.И.Володина, В.И.Туманянц, А.А.Абдуллаев, Н.С.Собиров, К.К.Мукумбоев ва бошқалар етишиб чиқди.

М.А.Хорвенко ва унинг виночилик мактаби жазирамада тетиклантирувчи “Ҳосилот”, “Ширин”, машҳур “Ўзбекистон” виноси, хушбўй “Гулякандоз” каби виноларининг бир қанча технологик схемаларини ишлаб чиқди. Виноларини яратиш муваффақияти, биринчи навбатда, учта асосий “компонент”нинг бирлашви натижасидир.

А.С.Звягин маълумотларига кўра, ёввойи узум (*V. vinifera* subsp. *Silvestris* Gmel.) 65 миллион йил олдин пайдо бўлган ва турли тарихий даврларда дунёнинг турли минтақаларида қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатиладиган бута ўсимлиқдир [12].

Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Э.И.Эргашевнинг илмий тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги тармоғини, хусусан, боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини ривожлантириш йўналишлари, уларга таъсир этувчи омиллар, тармоқни молиявий-иктисодий жиҳатдан кўллаб-куватлаш масалалари ёритилган бўлса [13], У.С.Муҳитдинованинг илмий тадқиқот ишида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори ривожланиши, агрокластерларни тузиш, маркетинг тизимини такомиллаштириш масалалари кенг илмий тадқиқ этилган [14].

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда узумчилик-виночилик кластерлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, узумчилик ва виночилик шаклланиш босқичларини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Узумчилик-виночилик комплексининг мамлакат учун катта иқтисодий аҳамияти унинг ривожланиш векторини истиқболда асослаш учун концептуал ёндашувни ишлаб чиқиши зарурлигини белгилайди. Вилоят узумчилик-виночилик кластерини ривожлантиришнинг асосий қоидалари қўйидагиларга қаратилиши керак:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилаrinинг кластер асосида фаолиятини амалга

оширишнинг қўшма лойиҳаларига, шу жумладан, пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг вертикал ва технологик даври бўйлаб максимал даражада жалб этиш, улар ўртасидаги рақобатни таъминлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- узум етиштириш ва конъяк ишлаб чиқаришнинг якуний босқичи учун вино материаларини тайёрлашнинг инновацион ишлаб чиқариш технологиялари ва усуllibарини янада кенгроқ жорий этиш.

Шу муносабат билан узумчилик-виночиликни ташкилий қўллаб-қувватлаш ва қайта ишлашда корхоналар маркетингини қўллаб-қувватлаш, инновацион асосда узум, вино ишлаб чиқаришни такомиллаштириш чораларини кўриш зарур. Шуни таъкидлаш жоизки, узумчилик нафақат якуний маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мутлақ миқдорий ўсишини, балки ишлаб чиқариш комплексининг умумий самарадорлигини оширишни ҳам таъминлайди. У комплекснинг барча тармоқларини рақобатбардош устунликларини оширишга ва қўшимча фойда манбаларини яратишга ундаши мумкин.

Мамлакатда амалда намоён бўлган якуний маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик даври, жаҳон бозорига эътибор қаратган ҳолда бозорни кенгайтириш стратегиясини амалга оширишда виночилик кластерининг стратегиясини амалга ошириш виночилик кластерини яратишнинг зарур шартидир.

Кластернинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон вилоятларида узумчилик-виночилик худудий кластери стратегиясини амалга ошириш;

- кластерда иштирок этувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бирлаштириш, маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш ва худудий иқтисодиётни юксалтириш;

- вилоятлар корхоналари томонидан узум тайёрланган юқори сифатли ва хавфсиз маҳсулотларга ҳақиқий ва потенциал вино истеъмолчиларининг кенг аудиториясига киришни таъминлаш.

Республика ва жаҳон даражасида узумчилик-виночилик кластерининг рақобатдошлигини ошириш:


- бозор улушини ошириш, импорт ўрнини босувчи узумчилик-виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- кластер доирасида ва ундан ташқарида ҳамкорлик тармоқларини мустаҳкамлаш;

- комплекс лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, лойиҳалар, дастурлар, грантлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишда кластер аъзоларининг манфаатларини рўёбга чиқаришни ўзаро қўллаб-қувватлаш;

- кластер аъзолари учун товарлар, ишлар, хизматлар етказиб бериш занжирларида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, нархларни оптималлаштириш ва сифатни оширишдан иборат.

Виночиликнинг рақобатбардошлигини ошириш муракаб муаммо бўлиб, у нафақат ишлаб чиқарувчиларга, балки давлат ва худудий қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишга, узумчилик ва умуман, виночиликни мувофиқлаштирилган ривожланишга, амалга ошириш кўламига ҳам боғлиқ. Мамлакат виночилигининг рақобатдошлигини ошириш йўллари 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ўзбекистон виночилигининг рақобатдошлигини ошириш йўллари [18]

Узумчилик-виночиликнинг рақобатбардошлигини оширишнинг ҳар бир таркибий қисми бошқарув, иқтисодий, маркетинг, ҳуқуқий воситалар, мөъёрлар ва усулларининг маълум бир комплексидир.

Узумчилик-виночиликнинг самарали жаҳон тажрибаси вино ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар, дистрибуторларнинг юқори даражадаги бирлашувига ва қиймат занжири иштирокчиларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга асосланган. Ўзбекистон виночилик корхоналари рақобатбардошлигининг асосий муаммолари ички бозордаги нисбатдан ўртача улуш, маҳсулотларнинг хорижда тан олинишининг пастлиги, бозорга киришда юқори тўсиқ туфайли Ўзбекистон вино маҳсулотларининг йирик чакана савдо тармоқларида рақобатдош бўлмаган харажатлар таркиби (логистика, хомашё учун) ва шу кабиларнинг кам мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу муаммоларни корхонанинг автоном ишлаши орқали хал қилиш мумкин эмас. Улар тизим бўлиб, давлат ва ҳокимият органлари кўмагида корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик асосида маҳсулотларни яратишнинг бутун жараёни самарадорлигини мунтазам ошириши талаб қиласди.

Ўзбекистон виночилигининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий вазифаси вино ишлаб чиқариш ва айланмасини тартибга солишдан иборат. Ўзбекистонда узумчилик-виночилик кластерини яратиш маблағларни бирлаштириш ва молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда узумчилик-виночиликни сұғурта қилиш, имтиёзли инвестиция кредитлари ва кафолатлари, субсидиялар орқали қўллаб-куватлаш чора-табирлари амалга оширилмоқда. Молиявий лизингни ривожлантириш, инвестиция кредити механизmlаридан маблағларни жалб қилиш ва Ўзбекистон виночилиги учун бошқа турдаги молиявий-кредит ёрдами ва тарқатиш занжирининг барча иштирокчилари зарур. Виночилик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ўзига хос хусусияти рақобатдош устунликларни шакллантиришдан иборат. Узумчилик-виночилик комплексида рақобат даражасини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг обьектлари рақобатдошлигини аниқлаш учун уларни миллий хўжалик саноатининг ўзига хос мезонлари ва кўрсаткичларига эга бўлган турли даражаларида кўриб чиқиш керак ва улар бир вақтнинг ўзида тадқиқот усуллари ва ривожланиш омилларининг ҳар бир обьекти учун уларнинг танловига умумий ёндашувларга эга.

Агросаноат мажмуасининг узумчилик-виночилик маҳсулотлари бозорини позициялаши уни тартибга солиш механизмини белгилайди. Ушбу механизмни икки компонентга ажратиш

мумкин: фаол ва реактив. Улардан биринчиси тартибга солиш субъектининг мавжудлиги билан тавсифланади ва биринчи навбатда, агросаноат мажмуасининг узумчилик-виночилик комплекси ва давлат томонидан бозорни тўғридан-тўғри тартибга солиш билан ифодаланади. Кўрилиб чиқилаётган бозорни давлат томонидан тартибга солиш агросаноат комплексининг узумчилик-виночилик субкомплекси орқали ҳам амалга оширилади.

Тадқиқотнинг концепциясига кўра, узумчилик-виночилик маҳсулотлари бозорини шакллантириш, фаолият юритиш ва ривожлантиришнинг асосий предмети агросаноат мажмуасининг узумчилик-виночилик кичик комплекси ҳособланади, шунинг учун ушбу комплекснинг рақобатдош ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми, аслида, бозор ривожланишини тартибга солиш механизми ролини ўйнайди. Бошқариладиган тизимга нисбатан рақобатбардош ривожланиши бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини позициялашнинг муқаррар иккилигini кўриш мумкин.

У ўрганилаётган узумчилик-виночилик тизимини ривожлантиришини бошқаришнинг умумий қоидалари ва тартибини белгилайди, амалга оширилиши унинг назорат тизими билан таъминланади.

Шу билан бирга, у Ўзбекистон бозорларида алкоголли ва мева-резавор маҳсулотлари ҳамда мевали консервалар таркибида агросаноат мажмуасининг узумчилик-виночилик бозорининг рақобатбардош ривожланишини билвосита бошқаради. Белгилangan механизм хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бошқарувни инструментал қўллаб-куватлашнинг ривожланиши, айниқса, ахборот-таҳлилий, бутун виночилик-узумчилик тизимини бошқаришнинг бутун механизмини ривожлантиришга ёрдам беради.

Таҳлилни объектив ва тўлиқ бажариш учун қўйидаги таққослаш мезонларини аниқлашга қарор қилинди:

- ташкил этилган сана ва бозорда мавжудлиги;
- ўртача улгуржи нарх;
- ассортимент кенглиги;
- имижнинг жозибадорлиги;
- реклама;
- қўшимча хизматлар (вино заводига ташрифларни ташкил этиш, дегустация ва шу кабилалар.)

Туристларнинг узумзорларга режалаштирилган ташрифи ва виноларнинг мавжуд ассортиментини татиб кўриш амалиёти ишлаб чиқаришнинг муваффақиятидир. Узумчилик-виночилик саноати рақобатбардошлигини ошириш учун узум виноси экспертизадан ўтказилади,

унда органик, физик ва кимёвий кўрсаткичлар, хавфсизлик кўрсаткичлари ва мумкин бўлган фалсификация аниқланади.

Замонавий ускуналардан фойдаланган ҳолда ишчиларнинг юқори унумли меҳнатига асосланган ичимлик ва уни қадоқлаш технологиясининг ўзи ҳам рақобатбардошdir. Етарлича арzon нарҳда даромадлилик даражасининг пасайиши орқали маҳсулот нархини пасайтириш қобилияти унинг асосий рақобатдош афзаликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Намуна маҳсулот ёрдамида рақобатбардошликтин баҳолаш мумкин. Бундай ҳолда маҳсулот бозорда мавжуд бўлган маҳсулот билан таққосланади. Намуна танлаш рақобатбардошликтин таҳлил қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Намуна таҳлил қилинадиган маҳсулот билан бир хил товарлар гуруҳига тегишли бўлиши, ушбу бозор учун энг вакили бўлиши ва энг кўп сотиб олиш имтиёзларига эга бўлиши керак.

Баҳоланадиган ва таққосланадиган товарларнинг рақобатбардошлиги параметрлари тўпламини аниқлашда товарнинг истеъмол хусусиятларини (истеъмол қиймати) ва унинг иқтисодий хусусиятини (қийматини) тавсифловчи параметрлари, яъни харидор маҳсулотнинг бутун фаолияти (истеъмоли) давомида сотиб олиш ва ундан фойдаланиш харажатлари ҳисобга олинади.

Бу харажатлар биргаликда истеъмол нархини – маҳсулотнинг бутун хизмат муддати давомида истеъмолчига зарур бўлган маблағлар миқдорини ташкил қиласди. Товарлар ва хизматларнинг рақобатдошлиги муаммосининг ривожланиши тўғридан-тўғри танланган баҳолаш услуги боғлиқ. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолаш таҳлил қилинадиган маҳсулотлар параметрларини таққослаш базаси параметрлари билан солиштириш орқали амалга оширилади, чунки бошқа объектнинг рақобатдошлиги нисбий тушунчадир, яъни уни фақат бошқа обьект билан солиштирганда билиш мумкин.

Таққослаш базаси сифатида харидорнинг эҳтиёжи ёки намуна олинади. Одатда, намуна энг юқори савдо ҳажмига ва келажакда энг яхши савдо истиқболига эга бўлган шунга ўхшаш маҳсулотdir.

Рақобатбардошликтин баҳолашнинг асосий усули нисбий кўрсаткичларни аниқлашнинг табақалаштирилган усули ва рақобатдошликтин аниқлашнинг интеграциялашган усулидир. Дифференциалланган усул маҳсулотнинг рақобатбардошлигининг бир нечта ягона кўрсаткичларини рақобатчилар маҳсулотларининг ўхшаш кўрсаткичлари билан тўғридан-тўғри таққослашдан иборат. Дифференциалланган усулда олинган маҳсулот ёки хизмат рақобатбардошлигининг нисбий кўрсаткичлари баҳоланаётган

маҳсулот ушбу кўрсаткичлар бўйича рақобатчиликнинг маҳсулотидан қанчалик устун ёки орқада эканлигини кўрсатади.

Комплекс усул гуруҳли, умулаштирилган, интеграл кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланган. У маҳсулотларни рақобатбардошликтин кўрсаткичларининг комплекс номенклатураси билан таққослашга асосланади. Бу ҳар бир кўрсаткичнинг рақобатбардошлигига таъсир даражасини ҳисобга олади. Комплекс усул рақобатбардошликтин янада объектив баҳолаш имконини беради. Шунингдек, бошқа маҳсулотларга нисбатан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини тавсифлаш учун рақамлардан фойдаланиш мумкин.

Маҳсулотларни таққослаш параметрларни таққослаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Таққослаш қуйидаги хуносалардан бирини беради:

- маҳсулотлар шу бозорга таққосланадиган тоифадаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги;
- ушбу бозорда таққосланган маҳсулотлар синфида маҳсулот паст рақобатбардошликка эга;
- маҳсулотлар ушбу бозорда таққосланадиган маҳсулотлар синфида мутлақо рақобатбардош эмас.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса баҳоланган маҳсулотларнинг аналоглари билан солиштирганда, афзаликлари ва камчиликлари тўғрисидаги хуносалар, шунингдек, унинг бозордаги мавқеени яхшилаш учун кўриш керак бўлган чора-тадбирлар бўйича таклифлар билан тўлдирлади.

Узумчилик-виночиликнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидагилар таклиф қилиндид:

- кучли хомашё салоҳияти ва рақобатбардош вино маҳсулотларини яратиш учун маҳсулотларнинг сифат стандартларига мос келишини таъминлаш;
- узумзорларни томчилатиб сугоришни жорий этиш, буталарнинг тез ривожланиши орқали хосилдорликни оширишга ёрдам беради;
- корхонани ривожлантириш ва маркетинг стратегиясини шакллантириш учун мутахассисларни жалб қилиш.

Винонинг ҳар бир тури ва брендини шакллантириш ва амалга оширишдан иборат бўлган маркетинг стратегияси, шунингдек, келажакдаги хомашё ва озиқ-овқат бозорининг аниқ истеъмолчилари ва сегментларини белгилаш билан алоҳида хизмат турини шакллантириш ёритилди. Маҳсулотлар ўртасида кучли рақобат мавжуд бўлган узумчилик-виночилик бозорида корхона стратегияси истеъмолчига яқинлик сифатида тавсифланган йўналишлари ва компонентга ажратилди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5200-сонли қарори.
2. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. 11-сон. 2019. 38-бет. http://qxjurnal.uz/ld/4/443_1-38.pdf.
3. Романова К.М. Средиземноморские субрегиональные реалии лингвокультурной сферы «Виноделие»: на материале итальянского, испанского и французского языков: дис. канд. филологических наук.: 10.02.20. / Романова Ксения Михайловна; Уральский гос. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2008. – 222 с.
4. Қобуснома. – Т.: Истиқолол, 1994 йил. 51-бет.
5. Портнер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. С. 51.
6. Enright M. Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda, in Staber U., Schaefer N. and Sharma B. (Eds.) "Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin": Walter de Gruyter, pp. 190- 213.
7. Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. I-III. Пер. с англ. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.
8. Бегамтдин П. – Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts. www.copetitiveness.org. 2015
9. Kogut B., Zander U. Knowledge of the firm and evolutionary theory of the multinational corporation. // Journal of International Business Studies. 1993. 24 (4), 625-645.
10. Bruun P., Bennett D. Transfer of technology to China: a Scandinavian and European perspective. European Management Journal February. 2002. 20 (1), 98-106.
11. Lin B.-W. Technology transfer as technological learning: a source of competitive advantage for firms with limited R&D resources. R&D Management. 2003, 33 (3), 327-341.
12. Звягин А.С. О прохождении дикого и культурного винограда. / А.С.Звягин, Л.П.Трошин. // Труды Кубанского государственного аграрного университета. 2010. № 25.
13. Эргашев Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бөгдорчилек ва узумчилик тармогини ривожлантиришнинг асосий ўйналишлари. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2009 й. 22-бет.
14. Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш ўйналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2010. – 36 б.
15. Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations. – London: Free Press, 1990.
16. Marshall A. Principles of Economics. London, Basingstoke: Macmillan and Co., Ltd., 1920.
17. Hotelling H. Stability in Competition. // The Economic Journal. 1929. Vol. 39. No 153. Pp. 41-57.
18. "Ўзшаробсаноат" АЖ йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



SANOAT KORXONALARINING ISHLAB CHIQARISH INFRATUZILMALARIDA YUZAGA KELADIGAN MUAMMOLARNING SINERGETIK TA'SIRINI BAHOLASH

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a46

Baxromov Azizbek Alisher o'g'li
Farg'ona politexnika instituti
tayanch doktoranti

Annotatsiya. Maqolada infratuzilmalar va ulrning ahamiyati ochib berilgan. Infratuzilmalarning o'zaro bog'liq aloqlari nazariyalari o'rjanilgan. Sinergetik ta'sir ko'lami va kuchini aniqlash maqsadida infratuzilma tarmoqlaridagi aloqlar tasniflangan. Sinergiya va sinergiya ta'sirini yuzaga chiqaruvchi o'zaro bog'liq aloqa turlari aniqlangan. Ishlab chiqarish infratuzilmasidagi muammolar natijasini yuzaga keladigan sinergik ta'sirlarni aniqlash uchun sinergiya metodologiyasidan foydalanilgan. O'zbekiston Respublikasining ishlab chiqarish tarmoqlarida yuzaga keladigan muammolarning sinergetik ta'siri sinergiya metodologiyasi asosida baholangan.

Kalit so'zlar: infratuzilma, sinergiya, infratuzilma tarkibi, sinergiya metodologiyasi, infratuzilma obyektlari, ishlab chiqarish, sinergetik ta'sir.

ASSESSMENT OF THE SYNERGIC EFFECT OF THE PROBLEMS ARISING IN THE PRODUCTION INFRASTRUCTURES OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Baxromov Azizbek Alisher ugli -
Ph.D. student of
Ferghana Polytechnic Institute

Abstract. The article explains the importance of infrastructure. Theories of interconnected infrastructure have been studied. In order to determine the scale and strength of the synergistic effect, the connections in the infrastructure networks are classified. The types of interrelationships that create the synergy and the synergy effect have been identified. The synergistic methodology was used to identify synergistic effects resulting from problems in production infrastructure. The synergistic impact of emerging problems in the manufacturing sector of the Republic of Uzbekistan was assessed on the basis of the synergistic methodology.

Keywords: infrastructure, synergy, infrastructure structure, synergistic methodology, infrastructure facilities, production, synergistic impact.